ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan | «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri | www.turkiston.uz | 2014-yil 9-iyul, chorshanba № 54 (15796)





## *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Жаноби Олийлари!

Римга қайтганимдан сўнг, 2014 йилнинг 5-6 июнь кунлари «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция муносабати билан Ўзбекистонга ташрифим давомида кўрсатилган хурмат-эҳтиром ва юксак меҳмондўстлик учун Сизга чин дилдан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга қувонч бағишлайди.

Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) ваколатхонаси очилиши тўғрисидаги битимни тайёрлаш жараёнидаги самарали ҳамкорлик учун ФАО томонидан чуқур миннатдорлик билдираман. Бу ўзаро ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сиз билан учрашиш, ўзаро манфаатли масалалар, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатли овқатланиш, шунингдек, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга доир масалаларни муҳокама этиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва мамлакатингизнинг қишлоқ хўжалиги ва экспорт соҳасидаги улкан салоҳияти аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бераётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистонда соғлом ва баркамол авлод келажагининг кафолатидир.

Сиз конференциядаги нутқингизда эслатиб ўтган тараққиётнинг Ўзбекистонга хос йўли — муҳим беш тамойилга асосланган «ўзбек модели» ҳақида маълумот олганим мен учун ғоят фойдали бўлди. Ташриф давомида ушбу тамойиллар муваффақиятли амалга оширилаётгани билан бевосита танишиш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, пухта ўйланган қишлоқ хўжалиги амалиётини қўллаш, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ФАО ҳамиша қўллаб-қувватлашга тайёр эканини таъкидламоқчиман.

Сизга ФАОни доимо қўллаб-қувватлаб келаётганингиз учун миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон Республикаси билан ФАО ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик янада кенг ривожланишига қатъий ишонаман.

Жаноби Олийлари, самимий миннатдорлигим ва чуқур ҳурматимни қабул қилгайсиз.

**Жозе Грациану да СИЛВА,**
**ФАО Бош директори**







*Vatanimiz mustaqilligining 23 yilligi oldidan*

# ҚАДДИН КЎРИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИНИНГ

*Мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар юксак самаралар бермоқда*

**ҚУДРАТЛИ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ**

Ҳар бир ота-она фарзанди соғлом бўлиб улғайишини, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини, эл-юртга хизмат қиладиган фидойи инсон бўлиб вояга етишини орзу қилади. Айниқса, болам деб яшайдиган халқимизнинг ўзига хос фазилати ҳам, энг эзгу нияти ҳам, мақсад-муддаоси ҳам ана шу.

Буюк келажагимиз бунёдкори бўлган навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом этиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Бу жараёнда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва самарали омили бўлган болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим ўрин тутмоқда. Юртимизнинг шаҳару қишлоқлари кўркига кўрк бағишлаб турган муҳташам спорт иншоотлари ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига кенг жалб этишга хизмат қилмоқда.


**(Давоми 2-саҳифада)**

# ҚАДДИН КЎРИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИНИНГ

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, жорий йилда 163 объект, жумладан, 115 болалар спорти иншоотини қуриш-тиклаш ишлари кўзда тутилган. Ўтган ойларда Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида бир неча болалар спорти иншоотини қуриш ишлари якунланди. Эътиборлиси, мазкур иншоотларнинг барчаси қишлоқ жойларда барпо этилди.

Фойдаланишга топшириладиган объектларни спорт инвентарлари билан жиҳозлашга 4 миллиард 647 миллион сўм, 2004-2012 йилларда фойдаланишга топширилган болалар спорти иншоотлари, мактаб спорт заллари ва сузиш ҳавзаларини қайта жиҳозлаш учун 16 миллиард 950 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, янги ўқув йилига қадар жойлардаги иншоотларга тўлиқ етказиб бериш кўзда тутилган. Шу йилнинг 1 июль ҳолатига жиҳозлаш дастури бўйича 2,1 миллиард ва қайта жиҳозлаш дастурига асосан 6,4 миллиард сўмлик спорт анжомлари ҳудудларга етказиб берилди.

Мамлакатимизда 2003 йилда жами ўқувчи-ёшларнинг 20,4 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, ҳозир бу рақам 45,5 фоизни ташкил этади.

— Болалар спорти иншоотларида ўғил-қизларимиз нафақат саломатлигини мустаҳкамламоқда, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимизнинг обрўсини юксалтирмоқда, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари Акмал Бобонов. — Жамғармамиз маблағи ҳисобидан 2014 йилнинг ўтган даврида ёш спортчиларимиз Германия, Австрия, Италия, Франция, Россия, Хитой, Таиланд ва Қозоғистон каби давлатларда ўтган мусобақаларда 4 олтин, 7 кумуш ва 15 бронза медални қўлга киритди.

## ҚАДДИ ҲАМ, ҚАДРИ ҲАМ БАЛАНД

Сўнгги йилларда спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда ғалабага эришиши одатий ҳолга айланди.

Бундай қувончли воқеаларнинг деярли ҳар куни бўлаётгани ўзбек спортининг жаҳон миқёсида юксак поғонага чиққанидан далолатдир. Аммо бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилмаганини, унинг замирида тинимсиз меҳнат, ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, кенг қамровли ва тизимли чора-тадбирлар мужассам эканига кўпинча эътибор бермаймиз. Шундай пайтларда таниқли полвон Аъзам Шокиржонов айтиб берган бир воқеа эсга тушади.

«Болалигимдан спортга меҳр қўйиб улғайдим, — дейди полвон. — Аммо у пайтлар бугунгидай имкониятлар қаёқда дейсиз? Халқаро мусобақаларга қатнашиш у ёқда турсин, спорт билан яхшироқ шуғулланиш учун ҳам шароит йўқ эди. Жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари сингари мусобақаларда қатнашишни-ку орзу ҳам қила олмасдик. 1971 йили Минскда юнон-рум кураши бўйича мусобақа ўтказилганди. Унда ғалаба қозонган спортчи Олимпия ўйинларида иштирок этиш имконига эга бўларди. Мусобақада ғалаба қозондим, лекин Олимпиадага мени олиб кетишмаган, бу мусобақада қатнашиш менга армон бўлиб қолган».

Аъзам аканинг бу гаплари ўша даврда деярли ҳар бир ўзбек спортчисининг қисмати эди. Иқтидорига рағбат кўрсатилмай, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш тўғрисидаги истакларини юрагининг туб-тубига яшириб, «тоғу тошлар орасида номи чиқмай» қолиб кетганлар қанча эди?!

Истиқлолимиз шарофати билан манзара бутунлай ўзгарди. Бугун юртимизда истеъдод соҳиблари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, уларга шароит яратилмоқда, халқимиз, Президентимизнинг юксак ишончига, рағбатига сазовор бўлмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва муҳим бўлаги ҳисобланган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари иқтидорли спортчиларнинг янги-янги авлодини тарбиялайдиган, минглаб спортсевар ёшларга унутилмас лаҳзаларни ҳадя этадиган, уларнинг орзуларини рўёбга чиқарадиган, пировардида ҳаёт йўлини белгилаб берадиган том маънода спорт байрамига айланганини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

«Кичик Олимпиада» номини олган мазкур тизим қанчадан-қанча истеъдодлар учун кашфиёт майдонига айланди. Уларнинг изидан яна минглаб иқтидор эгалари етишиб чиқмоқда.

Спортчиларимиз мустақил жамоа сифатида ёзги Олимпия ўйинларидаги иштирокини 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳридаги мусобақалардан бошлаган бўлса, шу кунгача мазкур мусобақаларда бештадан олтин ва кумуш, ўнта бронза медални қўлга киритди. Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларидаги ютуқларимиз янада салмоқли бўлаётгани спортни ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар нақадар тўғри йўлга қўйилганининг самарасидир.

Ўзбекистонга ёзги Олимпия ўйинларининг биринчи олтин медалини келтирган боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев, шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров, бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Лондон Олимпиадаси совриндори Аббос Атоев, каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуриддинов каби спортчиларимизни бугун бутун дунё танийди, уларнинг юксак салоҳиятига тан беради.

Ана шу ака-опаларига ҳавас қилиб, беғубор қалбига жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, юрт шаънини тараннум этишдек олий мақсадни жойлаган ёш спортчиларимизнинг мусобақаларда эришаётган натижалари таҳсинга лойиқ. Уларнинг қўлга киритган медалларини санаб ҳам, ҳисоблаб ҳам адоғига етиш қийин.

2014 йилнинг ўтган даврида ўсмирларимиз бокс бўйича Болгарияда, бадиий гимнастика бўйича Малайзияда, спорт гимнастикаси бўйича мамлакатимизда, трамполин бўйича Японияда, оғир атлетика, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Таиландда, ўқ отиш бўйича Кувайтда, таэквондо бўйича Хитой Тайпейида, сузиш бўйича Беларусда ташкил этилган жаҳон ва Осиё чемпионатлари, нуфузли турнирларда муваффақиятли иштирок этиб, шу йил 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари йўлланмаларига эга бўлди.

— Бизни олдинда ўта масъулиятли мусобақа — II ўсмирлар Олимпиадаси кутмоқда, — дейди бокс бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Бектемир Меликўзиев. — Ушбу нуфузли спорт анжуманида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб совға ҳозирлашни ният қилганман.

Ўтган йили шахмат бўйича 8 ёшгача ўғил болалар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган Нодирбек Абдусатторовга ҳавас қилган ака-ука Исломбек ва Жавоҳир Синдоров орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ана шундай юксак натижага эришди. Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рапид ва блиц шахмат бўйича жаҳон чемпионатида Исломбек ва Жавоҳир иккитадан олтин медални қўлга киритди. Ёш жаҳон чемпионлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан тақдирланди.

Эркин ва обод, тинч ва осойишта юртда вояга етаётган ўғил-қизлар ўз ҳаётини Ватани равнақи, эл-юртининг обрўсига дахлдор, деб билади. Бу йўлда билим ва салоҳиятини, истеъдоду иқтидорини аямайди. Бундай авлодни ҳеч ким енга олмайди, унинг қадди ҳам, қадри ҳам доимо баланд бўлади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*«Kamolot» ko'zgusi*

# МАЙДОНДА — РАҚИБ, ҲАЁТДА — ДЎСТ

***Футбол ҳам бир санъат, «шоу». Уни кино, пьесага ўхшаб миллионлаб қора кўзлар томоша қилади, кўриб, мириқиб дам олади. Моҳир футболчилар эса мухлислар кўнглидан жой олиш учун майдонда гўё санъаткорлардек ҳаракат қилишади.***

Нукусдаги «Nukus Ideal Servise» масъулияти чекланган жамиятига қарашли стадионда «Камолот» кубоги — 2014» футбол мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда саралаш турнирларидан муваффақиятли ўтган жамоалар — корхона-ташкилотлар, муассасалар вакиллари қатнашди.

Икки кун мобайнида муросасиз, қизғин курашларга бой ўтган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри футболчилари кубок соҳиби бўлишди. Хўжайли тумани Ички ишлар бўлими жамоаси иккинчи ўринни, Нукус тумани ободонлаштириш бошқармаси жамоаси эса учинчи ўринни қўлга киритди.

— Иш ўз йўлига, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри етакчи мутахассиси Арслонбек Оллоёров. — Баъзан инсон оёқнинг чигалини ёзиб, футбол ҳам ўйнаб туриши керак экан. Бугунги ўйинда биз нафақат яшил майдонда худди чемпионлардек тўп сурдик, футбол ўйнадик, балки янги дўстлар орттирдик ҳам.

Ўйинда ўзини кўрсатган ҳаваскор футболчилар турли номинациялар бўйича ҳам тақдирланди.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**
**«Turkiston» мухбири**



*«Bunyodkor — 2014»*

# ТАЪТИЛДА ҲАМ ДАРОМАД ОЛИШ МУМКИН

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати талабаларнинг ёзги таътил давомида бўш вақтларини фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамда маҳаллаларда вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида қатор вазирлик, ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Белгиланган тадбирлар асосида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ҳамда маҳаллаларда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати ташкил этилмоқда. Ҳар йили Термиз давлат университети талабаларидан иборат «Бунёдкор»чилар воҳада олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида муносиб қатнашиб келмоқда.***




— Ўтган йили талабалардан иборат «Бунёдкор»чилар сафи 475 нафарни ташкил этган бўлса, айни кунда уларнинг сони 628 нафарга етди, — дейди «Камолот» ЁИҲ Термиз давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Эркин Қаршиев. — Дастлаб мавжуд факультетлар кесимида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига кўнгилли тарзда аъзо бўлган талабалар рўйхати шакллантирилиб, қурилиш корхоналари билан шартномалар имзоланди. Меҳнат гуруҳимизга жалб этилаётган тенгдошларимиз асосан, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, маданият ва спорт муассасалари ҳамда намунавий уй-жойлар қурилишида меҳнат қилиши режалаштирилган. Биргина физика-математика факультетидан саксон икки нафар талаба кўнгилли тарзда «Бунёдкор»чилар сафига қўшилди. Мақсадимиз бўш вақтдан самарали фойдаланиб, вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашишдир.

Бугун Сурхон воҳасининг барча ҳудудларида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати фаолият кўрсатмоқда. Олтинсой туманидаги «Бунёдкор»чилар сафига юзга яқин талаба ҳамда вақтинча ишсиз ёшлар бирлашган. Улар асосан қурилиш ва ободонлаштириш ишларида меҳнат қиляпти. Тумандаги «Янгиобод» мавзеидаги намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларда эса ўттиз нафарга яқин меҳнат ҳаракати аъзолари ишлаяпти.

— Қурувчиларимиз томонидан намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар учун бир миллиард 930 миллион 145 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари режалаштирилган. «Бунёдкор»чиларнинг ёрдами билан иш ҳажми ортиб боряпти. Қисқа вақт ичида бизга бириктирилган бино қурилишининг том қисмини якунлаб, пардозлаш ишларини бошлаймиз, — дейди «Бунёдкор сайқали» хусусий корхонаси раҳбари Ҳусан Ҳожимуродов.

Истиқлол байрами арафасида воҳада кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига бирлашган сурхондарёлик ёшлар бундай хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшаётганидан бахтиёр.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**«Turkiston» мухбири**

*«Yoz — 2014»*

***Чодакда бўлганмисиз? Сўлим гўша ҳавосидан мириқиб нафас олганмисиз? Виқорли тоғлар бағрида жойлашган, салобатли тераклару минг йиллик чинорлар савлат тўкиб турган бу маскан каттаю кичикка бирдек ёқади. Айниқса, бу ерда жойлашган «Офтобча», «Нилуфар», «Темирйўлчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг гавжумлигини айтмайсизми?***

# БАХТИЁР БОЛАЛИК БАҒРИДА...

Ҳар лаҳзада оромгоҳлардаги радиоузелдан янграб турадиган турли мавзулардаги чиқишлар, чақирувлар кишига ўзгача кайфият бағишлайди. Оромгоҳларда дам олаётган ўқувчиларнинг шўх-шодон кулгилари, улар ижросидаги қўшиқлар қишлоқ манзарасини янада бойитгандек.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари Қўқон минтақавий темирйўл узелига қарашли «Темирйўлчи» болалар оромгоҳига кираверишда оромгоҳ остонасида турган навбатчиларнинг сўроғига дуч келдик. Ўзимизни уларга таништиргач:

— Бизда тартиб-қоида шундай, — дея узр сўрашни ҳам эсдан чиқармаган болакайларга ҳавасимиз келди.

Замонавий, бежиримгина айвонда дам олувчиларни кўргани келганлар эътиборимизни тортди. Оромгоҳ раҳбари келгунча, суҳбатни уларнинг даврасида давом эттирдик.

— Набираларим ҳар йили шу ерда дам олади, — дейди ўзини Инобат Умаралиева деб таништирган момо. — Бу ерга Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидан набирам Дилёрбек Сатторалиевни кўргани келдик. Ҳозирги болаларга жуда ҳавасим келади. Улар учун барча шароитлар бадастир. Шундай қулайликларга жавобан яхши ўқинглар, бу кунларнинг қадрига етинглар, деб болаларимга кўп уқтираман.

Онахон билан қизғин суҳбатда бўлиб, оромгоҳ раҳбари Авазхон Жўраевнинг сафимизга қўшилганини ҳам сезмай қолибмиз. Авазхон ака мақсадимизни билгач, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан таништириш ва дам олувчилар билан гурунглашиш учун ичкарига йўл бошлади.

Соя-салқин, мевали ва манзарали дарахтлар, иккита чўмилиш ҳавзаси, футбол майдони, маданий дам олиш учун алоҳида қурилган майдонча, тўрт юз ўринли ёзги амфитеатр, ошхона, ётоқхоналар — ҳаммаҳаммаси ўз ўрнида, оромгоҳга кўрк бериб турибди.

— Оромгоҳимизда асосан, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятларидаги темирйўлчиларнинг 1350 дан ортиқ фарзандлари дам олади, — дейди оромгоҳ раҳбари Авазхон Жўраев. — Болаларнинг мароқли дам олишлари учун олтмиш нафардан ортиқ тарбиячи ва етакчи, ички ишлар ва тиббиёт ходими туну кун хизматда. Эътибор берган бўлсангиз, ҳар бир дам олувчига махсус «Темирйўлчи» ёзуви туширилган футболкалар берилади. Дам олувчилар учун турли маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар ўтказиб турамиз. Қизиқарли ўйинлар, викториналар, спорт мусобақалари ҳам мунтазам ташкил этилади. Бу каби тадбирларда янги-янги истеъдодлар кашф этилади. Муҳими, болажонларнинг ҳар бир куни мароқли ва мазмунли ўтяпти.

Пештоқига «Кутубхона» деб ёзилган бинога кирдик. Китоблар тартиб билан терилган. Кутубхоначи Ҳуснида Мирзаеванинг айтишича, бу ердан олти юздан ортиқ бадиий ва ўқув адабиётни топиш мумкин экан. Китоблар билан танишаётгандик, қий-чувлашиб бир гуруҳ болалар кириб келди.

— Ҳар йили мактаб тугаши билан шу ерга ошиқаман. Чунки оромгоҳда биз, болалар учун ҳамма нарса муҳайё. Дўстлар орттирамиз. Табиат қўйнида маза қилиб дам оламиз, — дейди Андижон вилоятидан келган Раҳматилло Йўлдошев.

Фарғоналик Марям Шаропованинг қўлидаги каттагина қоғозга чизилган табиат манзараси эътиборимизни тортди.

— Кечқурун тадбиримиз бор, шунга тайёргарлик кўряпмиз, — дейди у. — Мактабда рассомлик тўгарагига қатнашганим бу ерда ҳам анчагина ёрдам беряпти.

Болалар кўзидаги қувончу шодликни кўриб, укасингилларнинг соғлом, баркамол бўлиб улғайишлари йўлидаги интилишлар бесамар кетмаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Бахтли болалигингга кўз тегмасин, болажон!

**Шоҳида ДАМИНОВА,**
**Поп тумани**

*Ustozlar*

# ФИДОЙИ ОЛИМАНИНГ ЙЎЛИ

***«Ўзбеккино» Миллий агентлигида 2014 йилдан бошлаб йўлга қўйилган, юртимизнинг маънавий-маърифий тараққиётига катта ҳисса қўшаётган ва ватандошларимизнинг ёш авлод учун ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Замон ва тақдирлар» туркуми доирасида қатор фильмлар тасвирга олиняпти.***

Яқинда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги қошидаги «Меъмор» студиясида таниқли шоир Эшқобил Шукур сценарийси асосида тасвирга олинган «Йўл» ҳужжатли фильмида атоқли навоийшунос олима, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Суйима Ғаниеванинг ана шундай ибратли ҳаёт йўли, илмий ва жамоатчилик фаолияти тараннум этилди.

Премьерада етук адабиётшунос олимлар, санъат арбоблари, кинотанқидчилар, режиссёр ва киноактёрлар иштирок этди. Адҳам Усмонов режиссёрлик қилган «Йўл» ҳужжатли фильмида ижодкорларнинг янгича ёндашув (ноанъанавийлик)ни кузатишимиз мумкин. Айниқса, воқеаларнинг қаҳрамон томонидан сўзланганлиги ва хронологик жиҳатдан кетма-кетликка риоя қилинганлиги фильмнинг ўзгача йўсинда чиқишини таъминлаган.

— Умрим мобайнида бир неча бор Афғонистонда бўлишимга тўғри келди. Аммо ҳазрат Навоий қабрини зиёрат қила олмадим. Бу менинг армоним бўлиб қолди. Аммо ул зотнинг кўлёзмасини Ўзбекистонга олиб келиб, ўзим бош-қош бўлиб нашр эттирганим ана шу армонни бир қадар ушатгандек бўлди, — дейди Суйима Ғаниева.

Шоиримиз Ғафур Ғуломнинг Афғонистон сафарида Навоий қабридан бир сиқим тупроқ келтириб, шогирдларига: «Мен вафот этганда мана шу тупроқни қабрим узра сепиб юборинглар», — деган васияти ҳам қаҳрамон хотираларида келтирилган. Шу каби таъсирчан лавҳалар, албатта, томошабинни ҳайратлантирмай қолмайди.

Юқори савияда тасвирга олинган «Йўл» ҳужжатли фильми томошабинларнинг барчасига манзур бўлди.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,**
**«Turkiston» мухбири**

2014-yil 9-iyul // 54-son


# Лазиз Аҳмедов: «УЮШМАГАН ЁШЛАР ПАССИВ ҚАТЛАМ ЭМАС»

«Turkiston» савол беради» лойиҳасининг бу галги меҳмони «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши раиси Лазиз Аҳмедов бўлди. Интервью чоғида у Ўзбекистонда ёш фермерлар ҳаракати биринчи бўлиб қаерда ташкил этилгани, вилоятда қурилаётган «Камолот» уйлари қай шартлар асосида ўз эгаларига топширилиши, сирдарёлик ёш тадбиркорлар нечта иш ўрнини яратишгани, «Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари»нинг аҳволи, қишлоқ ва маҳаллаларда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларини очиш шартлари, уюшмаган ёшларни бирлаштириш, экологик муаммоларни бартараф этиш ҳамда юзаки билим олишга интилаётган ёшлар онгидаги «бўшлиқ»ни тўлдириш юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдирди.




— **Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ белгиланган. Сиз кўп сонли сирдарёлик ёшларнинг фикрини ифода этувчи ва уларнинг номидан гапиришга ваколатли шахссиз. Айтинг-чи, бугунги кунда вилоят ёшлари ёшларга оид давлат сиёсатини қандай тушуняпти ва моҳиятига нечоғлик ета оляпти?**

— Шахсан ўзим ёшларга оид давлат сиёсатини давлатнинг турли соҳаларда ёшлар билан боғлиқ масала ва муаммоларни ечишга қаратилган механизм, деб таърифлаган бўлардим. Буни сирдарёлик ёшларнинг фикри сифатида ҳам қабул қилишингиз мумкин. Тўғри, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати ўзининг аниқ шакли, ўзига хос қиёфасига эга. Охирги уч йилдан буён ҳукумат томонидан бу борада алоҳида дастурлар қабул қилиняпти. Шу йил «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги давлат дастури Президентимизнинг махсус қарорига мувофиқ тасдиқланди. Мазкур қарор ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг саккизта алоҳида қарори чиқди. Улар «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, барча корхона ва ташкилотларда Ҳаракатнинг қуйи бўғимларини ташкил қилиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, қолаверса, ёшлар орасида гимнастика, бадминтон, теннис, футбол, шахмат, шашка каби спорт турларини ривожлантириш каби масалаларга қаратилган. Барча йўналишдаги ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, жорий йилдан эътиборан Сирдарёдаги Ҳаракатнинг шаҳар ва туманлар кенгашлари қошида «Камолот» футбол клублари ташкил этиляпти. Шунинг эвазига ёшлар футбол билан мунтазам ва бепул шуғулланиш имконига эга бўлмоқда. Бугун юртимиздаги кўпгина ёшлар уларга кўрсатилаётган юксак эътибор, яратиб берилган кенг имконият ва қулай шароитлар давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижаси эканини яхши тушуняпти. Бунинг таъсирида ука-сингилларимизда Ватанга садоқат, ватанпарварлик туйғулари кучаймоқда. «Камолот»да фаолиятимни бошлаган кунимдан бир нарсани пайқадим: Ҳаракатга қўшиламан, турли лойиҳалар яратаман, тарғибот-ташвиқот ишларида қатнашаман, фалон ғояни амалга ошириб, ёки мана бу танловда ғолиб бўлиб, жамиятга наф келтираман дейдиган ёшлар сони кун сайин кўпаяпти. Бу ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг самарасидир.

— **Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ижросида ёшларнинг ўрнини қандай баҳолайсиз?** *(Бухородан Шавкат Раҳмонов)*

— Албатта, бу тизимда ёшларнинг ўрни беқиёс. Бошқача бўлишини тасаввур қилолмайман. Чунки мамлакатимизда ёшлар кўп. Шу жумладан, Сирдарё вилояти аҳолисининг 60 фоизидан ортиғи ёшлардан иборат. Бу 481 минг нафар йигит-қиз дегани. Бугунги кунда қайси соҳани олмайлик, ишлаб чиқариш, саноат, иқтисодиётнинг турли тармоқлари бўладими — барчасида ёшлар асосий куч, таянч ҳисобланади. Шундай экан, ёшларга оид давлат сиёсатида ёшларнинг ўрни ҳам, иштироки ҳам иккиламчи бўлолмайди.

— **Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида шундай фикрлар бор: «Бугунги глобаллашув асрида ҳар қайси инсон, ҳар қайси касб эгасининг ўз малакаси ва савиясини ошириши учун қандайдир мафкуравий тўсиқ ва чеклашлар қолмаганини барчамиз яхши биламиз. Гап фақат ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тортинмаслик, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлдан қатъият билан илгарилаб боришга боғлиқ». Демак, биз ҳар қандай мафкуравий тўсиқ ва чеклашлардан холи мамлакатда яшаяпмиз. Бу инкор этиб бўлмас ҳақиқат ва бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Энди масаланинг иккинчи томонини кўрайлик. Хўш, мустақил Ўзбекистон ёшлари ўқиб-ўрганиш, изланиш ва олдига қатъий мақсадлар қўйиб, мақсадига ишонч билан эришиш борасида ўзини қанчалик намоён эта оляпти?**

— Шубҳасиз, бу борада улар анча илғор. Ўзимизни ҳам қўйтуринг, буни ҳатто манаман деган хорижий давлатлар эътироф этяпти! Таълим соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқларни эсланг. Ахир, дунёдаги қанчадан-қанча халқаро экспертлар нуфузли ташкилотлар вакиллари Ўзбекистоннинг 9+3 схемасига асосланувчи бепул умумий ўрта таълим тизимини, моҳиятан биз учун мутлақо янги ва ўзига хос ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўлга қўйиш тажрибасини ўрганишмоқда. Албатта, ёшлар эришаётган ютуқлар ҳам шундай шароитга муносиб. Ёшлар юртнинг порлоқ келажагига ишоняпти, ўзига аниқ мақсадлар қўйиб яшамоқда. Эсимда, бундан уч йил аввал, ҳокимлик тизимида ишлаган кезларимда Сирдарёнинг Қозоғистон билан чегарадош туманида яшайдиган бир қишлоқ қизи билан танишганман. У инглиз тилини пухта ўрганиб, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига ўқишга кирган. Ўзи оддий кишиларнинг фарзанди, оиласи, туриш-турмуши ҳам оддий. Лекин тиришқоқлиги, илмга чанқоқлиги туфайли кўп нарсаларга эришаолди.

— **Бугунги ёшлар қандай бўлишини хоҳлардингиз? Улар ўзларига берилган имкониятлардан самарали фойдалана оляптими?** *(Андижондан Абдужалил Абдураҳимов)*

— Ҳар куни ўнлаб ёшлар билан мулоқотда бўламан, туман ва шаҳарларда юриб, ёшлар билан учрашаман. Шубҳасиз, бугунги ёшлар замонавий билимлар, масалан, ахборот технологияларига жуда ўч. Аммо аксарияти кўп вақтини арзимас нарсаларга, фойдасиз ахборот қабул қилишга сарфлаётгани мени ранжитади. Улар шунчаки юзаки билим олишга, тезда бирон натижага эришишга интилади. Бу масалада қандайдир бўшлиқ борга ўхшайди, назаримда. Бироқ яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз ҳам анча. Буни инкор этмайман.

— **Уюшмаган ёшлар билан ишлашда нималарга эътибор бериш керак?** *(Андижон машинасозлик институти талабаси Сардорбек Қобилов)*

— Аввало, уюшмаган ёшлар ўзи ким, деган саволга ойдинлик киритилса, ёмон бўлмасди. Менимча, ушбу тоифага коллеж ёки олий таълим муассасасини тамомлаб, айни чоғда бирон иш билан машғул бўлмаган ҳамда жамиятда ўз ўрнини топа олмаган ёшларни киритган маъқул. Лекин бу билан уларни пассив қатлам, деб бўлмайди. Афсуски, ҳозир кўпчиликда шундай фикр шаклланган. Керак бўлса, ўша уюшмаган ёшлар сизу мендан фаолроқ, янги ташаббусларга қодир бўлиши, зўр иқтидор соҳиби бўлиб чиқиши мумкин. Тан олиш керак, ҳозирги кунда на «Камолот», на бошқа тегишли ташкилотлар уюшмаган ёшлар билан тизимли иш олиб боролади. Шунга қарамай, «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати, спорт, маънавий тарғибот ва бошқа йўналишдаги лойиҳаларга бундай ёшларни жалб этяпмиз. Бироқ бу етарли эмас. Уюшмаган ёшлар бўйича алоҳида дастур қабул қилиб, бу борада фаолиятни тартибга солиш вақти келди. Уюшмаган ёшларнинг саноғи йўқ. Улар ҳар ойда ё кўпаяди, ёки озаяди. Уларнинг ҳисобини юритиш учун ҳам алоҳида тизим керак. Ўйлайманки, «Камолот» тизимида уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлим очилса ва мутахассислар ишласа, самара бўлади.

— **Уюшмаган ёшларни Ҳаракат фаолиятига жалб қилиш учун қандай таклиф берасиз?** *(Бухоро вилояти сардорлар кенгаши раиси Зулфизар Мавлонова)*

— Ҳаракат фаолларидан шундай етакчиларни тарбиялаш керакки, улар уюшмаган ёшларни ҳам ўз ортидан эргаштира олсин. Бундай етакчилар уюшмаган ёшларнинг ўзидан ҳам чиқади. Фақат бу қатламнинг ичига кириш керак. Ахир, ҳеч бир йигит ёки қиз уюшмаган ёшлар тоифасига мансуб экани учун айбдор эмас-ку. Агар «Камолот»чилар улар орасига кирса, тарғибот олиб борса, ажаб эмас, уюшмаган ёшлар илғор ёшлардан-да илгарилаб кетса. Яна бир гапни эсдан чиқармаслик даркор: ҳозирги ахборотлашув даврида ёшларни унча-мунча нарса билан қизиқтириб бўлмайди. Уюшмаган ёшлар учун лойиҳалар ишлаб чиқишда шу томонга алоҳида эътибор қаратишга тўғри келади.

— **Қишлоқ фуқаролар йиғинларида Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти етакчиси сайланса, қишлоқ ёшлари билан ишлаш ҳамда уюшмаган ёшларни бирлаштиришда «Камолот»чиларга енгиллик туғилармиди. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?** *(Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидан Акмал Раҳматуллаев)*

— Қатор ташкилотлар билан бирга қишлоқ, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларида Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларини тузиш масаласини ўрганиб кўрганмиз. Аслида бу ғоя тўғри, аммо уни амалга оширишнинг ҳуқуқий томонларини ҳам ўйлаб кўриш керак-да. Чунки, дейлик, маҳалла институти худди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари алоҳида нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади. Агар маҳаллада Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти тузилса, бу битта ННТ таркибида бошқасини очгандек гап. Қолаверса, маҳаллалар таркибида вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатади. Бу ҳам ёшлар масаласига дахлдор алоҳида структура. Ҳозир вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда Сирдарё туманидаги айрим маҳаллаларда эксперимент сифатида «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотларини тузиб кўряпмиз. Натижасини кузатамиз. Шунга қараб кейинги хулосаларни чиқариш мумкин бўлади.

— **Вилоятдаги «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотлари етакчиларининг савияси сизни қониқтирадими? Уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича қандай янгиликларни жорий қиляпсиз?** *(Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши етакчи мутахассиси Сардор Раҳимов)*

— Етакчиларнинг иши юз фоиз қониқарли, деб айтолмайман. Қачонки, ҳар бир таълим муассасаси, корхона ва ташкилотда Ҳаракат қуйи бўғинларининг алоҳида институт сифатида фаолият кўрсатишига эришсак, бошланғич ташкилотлар моддий-техник таъминотини яхшиласак, етакчига маош тўлаш масаласини ҳал этсак, шунда фаолиятимизда самара бўлади. Яқинда вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ичидан учтаси: Ховос транспорт, Гулистон шаҳридаги 2-педагогика коллежлари ҳамда Янгиер шаҳридаги 1-академик лицейни танлаб, уларда намунали бошланғич ташкилотларни ташкил қилдик. Бошланғич ташкилот хоналари жиҳозлаб берилди, етакчиларга керакли ҳужжатлар, услубий қўлланмалар етказилди. Энди ушбу таълим муассасаларида ҳар ойда бир маротаба «Етакчи қандай бўлиши керак?» мавзуида етакчилар учун семинарлар ташкил қилиняпти. Ушбу тажриба қолган барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги бошланғич ташкилотларнинг жонланишига олиб келди. Намунали бошланғич ташкилот, аввало, етакчининг меҳнати ва ташаббускорлиги эвазига шу даражага етади. Ховос транспорт касб-ҳунар коллежи етакчиси Анвар Тўйчиев бунга мисол. У коллеж ўқувчиларининг фаоллигини ошириш учун кўп ишларни қиляпти. Коллежда «Қувноқлар ва зукколар» жамоасини шакллантирди. Ўзи ҳам Ҳаракатнинг йирик лойиҳаларида фаол қатнашиб келяпти. Яқинда ўтказилган ёшлар фестивали доирасида «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» номинацияси бўйича тақдирланди. Ховос ҳудуди катта туман. Бу ерда ҳам бошқаларга намуна қилиб кўрсатса бўладиган етакчи-ёшлар борлигига амин бўляпмиз.

— **Айрим умумтаълим мактабларида бошланғич ташкилотнинг хонаси бор-у, аммо керакли жиҳозлар билан таъминланмаган. Айримларида эса ҳатто хона ҳам йўқ. Бундай вазият ёшлар билан ишлашда маълум қийинчиликлар туғдирмоқда. Сирдарёда мазкур муаммо қандай ечим топяпти?** *(Сурхондарё вилоятидан Ўктам Бегматов)*

— Бу муаммо барча ҳудудларга хос. Кўпроқ халқ таълими тизимида учраяпти десам ҳам хато бўлмайди. Сирдарё вилоятида Ҳаракатнинг 497 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Шундан тўртдан бир қисми умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатмоқда. Тан олиш керак, уларнинг фаолияти кўнгилдагидек эмас. Мактаб ва олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларни ўзаро таққосласак, ўртада анча тафовут борлигини кўрамиз. Масалан, Гулистон давлат университетида «Ёшлар маркази» қурилиб, университет «Камолот»чилари ихтиёрига берилган. Бу ерда ҳам тадбир ўтказиш, ҳам ишлаш, ҳам дам олиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги бошланғич ташкилотлардан ҳам кўнглимиз тўқ. Ҳар бир коллеж ва лицейда «Камолот» етакчиси алоҳида хонада ўтиради. Жиҳозланиш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин, лекин хона, албатта, бор. Савол ўринли бўлди. Мактабларда бошланғич ташкилот фаолиятини жонлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш даркор.

— **Ишингизга танқидий муносабат билдира оласизми? Бу қайси ҳолларда юз беради?** *(Ҳаракатнинг Самарқанд вилояти кенгаши ходими Беҳзод Маматов)*

— Кутилмаган савол бўлди *(кулади)*. Очиғи, жавоб беришга бироз қийналяпман.

— **«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятига қандай янгиликлар киритишни хоҳлайсиз?** *(Бухоро шаҳридан Муҳаммаджон Комилжонов)*

— Менимча, тор йўналишдаги лойиҳаларни кўпайтириш устида ўйлаб кўриш керак. Масалан, бугунги ёшларда ахборот технологияларига қизиқиш ниҳоятда катта. Шундан келиб чиқиб, ҳозир интернет тармоғида инглиз тилини ўргатувчи сайт — en.uz лойиҳасини ишга туширдик. Ушбу сайтни «Юрт келажаги» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлган бир гуруҳ коллеж ўқувчилари яратди. Сайтнинг қулайлиги шундаки, унда хорижий тилни ўрганишда асқотувчи турли манбаларни топиш ва бепул юклаб олиш мумкин. En.uz сайтининг фойдаланувчилари кун сайин кўпаймоқда. Бу ёшлар учун ҳам фойдали, ҳам қизиқарли лойиҳа қила олганимиздан далолат беради.

— **Сирдарё вилоятида ёш оилаларга уй-жой сотиб олиши, қуриши ёки реконструкция қилиши учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича вилоят кенгаши қандай таклиф ва ташаббусларни илгари суряпти?** *(Навоий вилоятидан Дилкушо Наврўзова)*

— Айни кунда банклар томонидан вилоятдаги ёш оилаларга ипотека кредитлари ажратиляпти. Лекин имтиёзли шартлар асосида эмас. Бу кредитларни 30 ёшгача бўлган ёшлар 12 фоиз ставкаси билан олишлари мумкин. Жорий йилда Президентимиз қарори билан тасдиқланган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган дастурда республикамизнинг барча ҳудудларида «Камолот» уйларини қуриш бўйича алоҳида банд киритилди. «Камолот» уйлари Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин туманлари ҳамда Янгиер шаҳрида қурияпти ва йил охиригача фойдаланишга топширилади. Бу уйларни ёшлар имтиёзли шартлар билан ипотека кредитлари асосида сотиб олишлари мумкин.

— **Республикамизнинг барча ҳудудларида ўзига яраша экологик муаммолар мавжуд. Сирдарё вилояти ҳам бундан мустасно эмас. Вилоят туманларида экологик аҳвол қандай? Экологик муаммоларни бартараф этиш ҳамда ёшларнинг экологик маданиятини оширишда «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши қандай лойиҳаларни амалга оширмоқда?** *(Ҳаракатнинг Самарқанд вилояти кенгаши бўлим мудири Бобур Исмоилов)*

— Вилоятимиз чўл зонасида жойлашгани учун асосан тоза ичимлик суви танқислиги ва ерларнинг кучли шўрланиши кузатилади. Ҳар иккала муаммони бартараф этиш бўйича давлат томонидан аниқ чора-тадбирлар кўриляпти. Хусусан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга юқори эътибор берилиб, зовурлар қайта таъмирланмоқда. Шу орқали, экин майдонларидаги зах сувларни қочириш ва ерларнинг шўрланиш даражасини камайтириш мумкин. Бу табиийки, деҳқончиликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ичимлик суви муаммоси асосан Сардоба ва Оқолтин туманларида мавжуд. Ҳозир аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳукумат томонидан алоҳида лойиҳа амалга оширилмоқда.

— **Биламиз, Сирдарё вилояти фермерликни ривожлантириш бўйича юқори салоҳиятга эга ҳудуд. Лекин, негадир, вилоятда ёш фермерларнинг фаолияти бирмунча суст. Бу ҳолатни қандай изоҳлайсиз?** *(Бухоро вилоятидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази раҳбари Ҳикматулло Тўраев)*

— Савол нимага асосланиб берилганини билмадим. Аслида ундай эмас. Республикада биринчи бўлиб ёш фермерлар ҳаракати айнан бизнинг вилоятда ташкил этилган. Ёш фермерлар орасида қизларнинг борлиги ҳам кўп нарсадан далолат беради. «Шуҳрат» медали соҳиби Феруза Жўраева, Сарвиноз Шокирова каби фермер қизларимиз билан фахрлансак арзийди. Ёш фермерлар барча туманларимизда бор. Улар билан кўп бора учрашганман ва шуни ишонч билан айтаманки, бугунги кунда юртимизда фермер бўламан деган инсонга ҳамма эшиклар очиқ. Мисол учун, Гулистон туманидаги «Сарвиноз Собиржоновна Файзи» фермер хўжалигини Сарвиноз Шокирова бошқаради. Унинг отаси ҳам кўп йил фермер бўлган. Ўтган йили қизи ғалла режасини ошиғи билан бажариб, яна уйига ўн тоннадан ортиқ ғалла тўкканини ота фахрланиб гапиради.

— **Одам савдосидан ёшларни огоҳ этишга ҳарчанд уринмайлик, самараси унчалик билинмаяпти. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?** *(Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши бўлим мудири Сардор Амонов)*

— Одам савдосининг қурбони бўлган ёшларнинг фуқаролик позицияси қатъий эмас. Албатта, ҳар ким танлаш имкониятига эга. Лекин арзимас пул учун бегона юртда минг азобларга гирифтор бўлишга рози бўлаётган шахсларнинг танловини шахсан мен сира ҳурмат қилмайман. Нима, мамлакатимизда иш йўқми?! Бор! Фақат бир нарсани яхши уқиб олиш керак: дунёнинг бирор-таям мамлакатида бойлик сувдан оқиб келмайди. Ҳамма жойдаям бирор нарсага эришиш учун қаттиқ меҳнат қилиш керак.

— **Айни кунларда ер юзидаги энг йирик спорт мусобақаси — футбол бўйича жаҳон чемпионати қизғин паллага кирган. Спорт — дўстлик ва тинчлик элчиси, дейилади. Сизнинг назарингизда, спорт давлатларни дўстлаштирадими? Ва бошқа томондан, спорт мамлакатда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга нечоғлик ёрдам бера олади?**

— Спорт мамлакат ва халқларни нафақат дўстлаштиради, балки ҳар қандай давлатнинг шуҳратини кўп карра оширишга қодир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳеч нарса спортчалик мамлакатни дунёга тез танита олмайди. Чиндан ҳам, спорт ортидан жаҳонда юқори нуфузга эришган, эришаётган давлатлар бор. Масалан, футбол деганда, сўзсиз, Бразилия кўз ўнгимизга келади. Худди шунингдек, Ўзбекистон бутун дунёга миллий кураши билан машҳур. Мустақиллик йилларида юртимизда спортнинг деярли барча турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилдики, натижасини ҳозир ўзбекистонлик спортчилар, айниқса, ёш спортчиларнинг жаҳон ареналарида қўлга киритаётган ютуқлари мисолида кўряпмиз. Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида ўзига хос футбол мактаби шаклланган бўлиб, кўплаб кучли футболчилар шу ердан етишиб чиқади. Ёшлар терма жамоаси аъзоси, сирдарёлик Аббос Махсталиевни, менимча, ҳамма танийди. Вилоятимизда байдаркада эшкак эшиш спорти ҳам оммалашган.

— **Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошида клублар фаолият кўрсатадими? Сирдарёлик ёшлар ёзги мавсумда нималар билан банд? Таътил вақтида улар қандай лойиҳаларга жалб этиляпти?** *(Навоий вилоятидан Дилкушо Наврўзова)*

— Кенгашимиз қошида «Мунозара», «Ёш сиёсатчи», «Ёш журналистлар» клублари ташкил қилинган. Туманларда ҳам бундай клублар мавжуд. Журналистикага қизларнинг қизиқиши, айниқса, баланд. Бундан ташқари, Ҳаракатнинг Сардоба ва Боёвут туманлари кенгашлари қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари»да ҳам турли клуб ва тўгараклар фалият кўрсатмоқда. Ўқувчи-ёшлар ёзги таътил пайтида бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун «Ватанпарвар» ташиклоти билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида тўрт мавсумли ёзги оромгоҳ ташкил қилганмиз. «Камолот» фаоллари дам олувчилар учун кўплаб тадбирлар ўтказишяпти. Оромгоҳда кўчма тўгаракларнинг фаолияти йўлга қўйилган.

— **Вилоятдаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари» бугун ўз зиммасидаги вазифани тўла бажара оляптими?**

— Сардоба ва Боёвут туманларидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари»да ҳозирча фақат иккита: компьютер саводхонлиги ҳамда тикувчилик тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Ёшларда бошқа йўналишларга ҳам талаб бор. Аммо марказларнинг моддий аҳволи янги тўгаракларни очишга имкон бермайди. Уларнинг моддий-техник базаси анча эскириб қолган. Бу бўйича Марказий Кенгашга ўз таклифларимизни берганмиз. Натижасини кутяпмиз.

— **Охирги иккита савол бухоролик Ҳикматулло Тўраевдан келган. Уларни кетма-кет бериб ўтаман. Вилоятда «Менинг бизнес ғоям» танлови ғолиблари билан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шунингдек, ёшлар ўртасида тадбиркорликни оммалаштириш бўйича қандай манзилли режаларни амалга ошириш кўзда тутилган?**

— Бу йили «Менинг бизнес ғоям» танловида сирдарёлик ёшлар ҳам ғолиб бўлишди. Ҳали-ҳамон кўпгина ёшлар бизга ўз бизнес-лойиҳаларини тақдим этишмоқда. Айтиш керак, ҳукуматимиз топшириғига биноан республикамизда янги иш ўринларини яратиш мақсадида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Дастлаб ушбу тажриба пилот лойиҳа сифатида Тошкент ва Сирдарё вилоятларида йўлга қўйилиб, жорий йилда барча ҳудудларга татбиқ этилди. Шунга мувофиқ, вилоятимизда бу йил 1662 нафар йигит-қиз «Камолот»нинг тавсияномаси билан тижорат банкларидан кредит олиб, ўз бизнесини очди. Бунинг эвазига 7182 та янги иш ўрни яратилди.

* * *

*Меҳмонимиз самарқандлик Бекзод Маматовнинг ишга танқидий муносабатда бўлиш ҳақидаги саволини энг яхши савол, деб топди ва унга «Камолот» ЁИҲ Сирдарё вилояти кенгашининг махсус совғасини тақдим этди.*

*Лазиз Аҳмедов билан интервьюнинг тўлиқ шаклини* ***www.kamolot.uz*** *ҳамда* ***www.turkiston.uz*** *сайтларида онлайн видео форматида томоша қилишингиз мумкин.*

*«Turkiston» савол беради» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги учрашув 2014 йил 10 июль куни Ҳаракатнинг Наманган вилояти кенгаши раиси Иброҳим Ҳожиев билан бўлиб ўтади.*

**Наргиза УМАРОВА,**
**«Turkiston» мухбири.**
*Носир Ҳайдаров олган сурат.*

## БЛИЦ-САВОЛЛАР:

— **Қайси ҳолларда ёлғон гапирасиз?**
— Одатда ёлғон ишлатмайман.
— **Нимадан кўпроқ афсусланасиз?**
— Амалга оширган ишим кутилган натижани бермаса.
— **Устун жиҳатингиз нимада?**
— Билмадим. Буни атрофимдагилар яхшироқ билса керак.
— **Заиф томонингиз-чи?**
— Айтмаганим маъқул.
— **Ёқтирган адибларингиздан учтасининг номини айтинг?**
— Тоҳир Малик, Муҳаммад Юсуф, Пиримқул Қодиров.
— **Иш фаолиятида қайси китоб ёки асарга кўпроқ мурожаат қиласиз?**
— «Темур тузуклари» ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарига.
— **Охирги марта қайси бадиий асарни мутолаа қилгансиз?**
— Анатолий Грамиканинг «Ака-ука Кеннедилар» асарини.
— **Севимли композиторингиз ким?**
— Моцарт.
— **Қайси тарихий шахслар билан замондош бўлишни хоҳлардингиз?**
— Амир Темур билан.
— **Инсонда қайси эзгу иш ёки хислатни кўпроқ қадрлайсиз?**
— Одамийликни.
— **Қайси камчиликни осон кечирасиз?**
— Бир ишга астойдил киришиб уддасидан чиқа олмаса.
— **Нимани ҳеч қачон кечира олмайсиз?**
— Иккиюзламачилик ва сотқинликни.
— **Бу учрашувда сиз кутган, лекин берилмай қолган савол борми?**
— Вилоятимиз ҳақида кўпроқ саволлар бўлишини кутгандим.

Sayohat

# ТАБИАТНИНГ БАХТ ҚЎШИҒИ

***Табиат билан инсонларнинг биргаликда ижро этган бахт қўшиғини тинглаган бўлсангиз керак... Чорак йиллик уйқудан уйғониб, куртак ёзган новдаларнинг ҳурлик шамолида тебранганини, тебраниш куйига бутун борлиқ: қушлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, ўт-ўлан, гуллар рақсга тушиб, жўр бўлаётганини кузатиш нақадар фараҳбахш. Бундай шодиёнага инсон қўшилмайдими, табиатдан завқ олмай бўладими?! Ҳозир шундай бир масканда турибманки, хаёлимда қаршимда турган гўзалликдан ўзга нарса унутилди. Табиат ва инсоннинг биргаликдаги сururидан кўнглим тўлқинланди.***





Истироҳат боғи... Дарвозасидан кирар экансиз, остонангиздан болалик кетмаганини ҳис қиласиз. Ёнингиздаги ука-синглингиз, фарзандингизга қўшилиб бола бўласиз-қоласиз. Кайфиятингиз хуш бўлмаса ҳам, қувончдан кулган чеҳраларни кўрганингизда беихтиёр юзингизга табассум югуради. Барча оила аъзоларимиздан ҳам кичик синглимга собиқ Зафар Диёр боғи ўрнида қурилган янги «Локомотив» истироҳат боғининг очилгани ҳақиқий шодиёна бўлди. Кичик юракчаси йўл бўйи «гуп-гуп» уриб келди. Ҳойнаҳой, хаёлидан бу ерда уни нималар кутаётгани ўтди. Дарвозадан кирдик. Сингилчамнинг қўлини сиқиб қўйдим:

— Энди қаерга борамиз?

— Аттракционга!!!

Саккиз гектар ерни ўз ичига олган ушбу истироҳат боғи бешта қисмга бўлинган. Биринчи қисм 13 та аттракциондан ташкил топган бўлиб, ўн беш ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган. Иккинчи қисмда оиланинг барча аъзолари учун 12 та аттракцион ўрнатилган. Экстрем зоналарда юқори тезликни ёқтирадиганларни профессионал скалодром, арқонли шаҳарча ва батуталар ўз ёнига чорлаб турибди. Шунингдек, боғда «Фавворалар майдони» (ёнида кафе ва ёзги терасса ҳам жойлашган) сизни ўзига мафтун этади. 42 метрли осмонўпар чархпалак ҳам пойтахтимиз гўзаллигидан баҳраманд этиш учун қад кўтариб турибди.



Ҳаммасидан ҳайратга соладигани, боғнинг марказий қисмидир. Ушбу қисм «Дунё мўъжизалари» деб аталиб, унда дунёнинг етти мўъжизаси моҳирона ишланган. Эндигина дунёқараши шаклланаётган сингилчамда Сомонийлар мақбараси, Тож Маҳал, Ғалабалар аркаси (Франция), Эйфел ва Пиза миноралари, Миср эҳромлари ва Акропол (Юнонистон)га ўхшатиб барпо этилган иншоотлар катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотди. Буларнинг тарихи ва улар ҳақидаги ҳикояларни бажону дил тинглашга рози бўлди.

Боғ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган «2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан барпо этилди. Ушбу қарор, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маданий дам олиши учун янада қулай шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги яна бир сўлим гўша — Ўзбекистон Миллий боғи...

Қадимий шаҳар дарвозаларини эслатувчи арка, озода ва шинам боғу-роғ қуёшнинг майин нурларида дилга илиқлик бахш этмоқда.

Қуёш шуълалари тушиб турган ўриндиқда газета ўқиб ўтирар эканмиз, эътиборимиз ногоҳ ғоз ва унинг полапонлари ортидан қувватаётган болакайга тушди. Кўзидаги қувонч, табиатга уйғонган меҳр — боғнинг бесамар қурилмаганининг яққол акси.

Ўзбекистон Миллий боғи 45 гектар майдонни эгаллаган. Боғнинг тўққиз гектарини кўл безаб туради. Боғда 14 та аттракцион, савдо шохобчалари, кўлдаги катамаранлар, моторли қайиқ, бундан ташқари, умумий сайр қилувчилар учун кемалар мавжуд.

Истироҳат боғида турли маданий дастурлар ташкил этиш, мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилди. Боғларда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Ёз кунларида салқинликни таъминлаб бераётган, боғни ҳақиқий дам олиш масканига айлантирган минглаб теран дарахтлар дилимизга фараҳбахш сокинлик жойлади. Ўта замонавий тус олган боғдаги жами 32 та аттракциондан олган маданий ҳордиғимиз, завқ ва қувватимиз, ишончим комилки, шу ҳафта сўнгига қадар тетиклантириб туради.

**Парвина ОМОНОВА,**
**«Turkiston» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ ННТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Танлов мавзуси:* **«Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қисмига ёрдам кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтириш».**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуйидаги йўналишлардаги лойиҳаларни кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

*— ижтимоий шерикликнинг янги шаклларини амалга ошириш орқали ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;*

*— оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш;*

*— болалар ва ёшларга замонавий билим ва касбларни эгаллашга кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш;*

*— хотин-қизлар, ёшлар, ёш оилалар, жисмоний имконияти чекланган шахслар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож бошқа қатламларини янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш;*

*— аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд гуруҳларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш;*

*— янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни, хотин-қизларни ва жисмоний имконияти чекланган инсонларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;*

*— оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантиришга кўмаклашиш;*

*— республиканинг чекка туманларидаги хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;*

*— болаларни тарбиялашда, оилада соғлом муҳитни шакллантиришда, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли қатламлари билан маҳаллаларда индивидуал ишлашни ташкил этиш;*

*— болалар ва аёлларни оммавий спорт турлари тадбирларига жалб қилиш, оилада анъанавий соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;*

*— болаларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг соғлом ва жисмонан ривожланишига қулай шароит яратишга кўмаклашиш;*

*— мураккаб ҳаётий шароитда қолган аёлларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмак кўрсатиш.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан), манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.**

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар куни соат 9-30 дан 18-00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.new.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун тел:**
**239-26-76, 239-26-64.**



*Hunari borning — xazinasi bor*

# БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАР ИЖОДКОРИ

***Бугун Наманганда Феруза Маматхонова тикаётган миллий, замонавий либосларнинг таърифи водийликлар тилидан сира тушмайди. Боиси у яратаётган санъат асарлари — кийимлар ўзига хос услубда, бежирим, кийганда эгнингда хўп ярашиб туради.***

Қаҳрамонимиз чевар бўлиш орзусида қўлига игна-ип ва матони ушлаб, жажжи кўйлакчалар тика бошлаганида беш ёшда эди. Қизидаги қобилиятни вақтида пайқаган отаонаси уни Чортоқ туманидаги 3-мактабда ташкил этилган «Моҳир қўллар» тўгарагига берди.

Бўладиган бола бошидан маълум деганларидек тўгаракда Феруза либос тикиш сирларини қунт билан ўзлаштирди. Бичиш, либосга безаклар бериш, дурлар ёпиштиришни ўрганди. Уқувли, иқтидорли қиз мактабни битиргунча қўлида ҳунари бор, моҳир тикувчига айланди. Ва Чортоқ тиббиёт коллежига ўқишга кирди. Сўнгра пойтахтга келиб, ўқув марказларига қатнаб, малакаси ва маҳоратини оширди. Юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, банкдан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Онаси Дилфуза опа эса қизига ҳамфикр бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатди.

Ҳозир Феруза касаначилик билан шуғулланаяпти. Дугоналарига «устоз-шогирдлик» анъанаси асосида тикувчилик сирларини ўргатмоқда.

Қаҳрамонимизнинг бу ҳаракатлари муносиб рағбатлантирилмоқда. Феруза «Ташаббус — 2014» танловининг республика босқичида «Энг яхши ёш тадбиркор» номинациясида ғолиб бўлган. «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ўтказган «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» ёш тадбиркорлар танловида «Энг яхши тадбиркор» йўналишида диплом билан тақдирланди.

— Миллий либосларимиз довруғини дунёга таратишни хоҳлайман. Бунинг учун ўз билим ва малакамни, маҳоратимни янада оширишим зарур, — дейди Феруза Маматхонова.

Ёшларга хос шижоат, катта орзулар оғушида юртдошларига намуна бўлаётган, нафи тегаётган Ферузанинг катта мақсадлар рўёбга чиқишига шак-шубҳа йўқ.

**Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,**
**Наманган давлат университети талабаси.**
*Раҳмонжон Мамадалиев олган сурат.*

*Tashabbus*

# КОРХОНА ХОДИМЛАРИ УЧУН МАРАФОН

***«Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамияти — вилоятдаги энг йирик саноат корхоналаридан биридир. Айни кунда корхонадаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти атрофига бир минг икки юз нафардан ортиқ йигит-қиз бирлашган. Бошланғич ташкилот ишлаб чиқаришда банд бўлган бу ёшларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, ўз билим ва ғояларини амалиётга татбиқ қилишлари йўлида қатор тадбирларни ўтказмоқда.***




Яқинда корхонага қарашли «Кимёгар» ёшлар марказида ёш ишчи-хизматчилар ва бошланғич ташкилот фаоллари иштирокида «Соғлом авлод — юрт таянчи» шиори остида марафон ва акция ташкил этилди. Дастлаб корхонадаги БТ аъзоларидан иборат бир гуруҳ ёшлар ва маҳаллаларда яшовчи кўнгилли иштирокчилар икки километр масофани босиб ўтишди. Сўнг икки юз нафар йигит-қиз тўрт жамоага бўлиниб, интеллектуал ва спорт ўйинларида қатнашди. «Билим-ринг» интеллектуал мусобақасида иштирок этган тенгдошларимиз ўзларининг зукко ва билимдон эканликларини намойиш этди. Мерганлик (найзани нишонга отиш) мусобақаси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Корхонамизда «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан ташкил этилган барча тадбирларда иштирок этиб келаман, — дейди «Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамиятининг 3-аммиак ишлаб чиқариш цехи муҳандиси Элдорбек Мўминов. — Корхона ишчилари доимо иш билан банд. Бундай тадбирларда эса бир-биримиз билан учрашиб, янги ғоялар ҳақида фикрлашамиз.

Тадбирда корхона ёшлари ўз билимларини синаб кўрдилар. Йирик дастгоҳ ва қурилмалар шовқинидан бироз узилган ишчи-ходимлар янги ғайрат ва шижоатга тўлди. Алоҳида фаоллик кўрсатган иштирокчилар корхона ва бошланғич ташкилот томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

# Meridian bo'ylab

## Истеъмолчиларни ўрганиш учун

*Беларусдаги нефт ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари дам олиш кунлари мамлакатнинг турли ҳудудларидаги АЁҚШларда хизмат қилишмоқда.*

Масалан, ўтган ҳафтада юзга яқин раҳбар ходим ва етакчи мутахассис шаҳардаги йигирма бешта АЁҚШда ёнилғи қуювчи, оператор, кассир ва кафетерий ишчиси сифатида фаолият олиб борди. Хусусан, бирлашма директори АЁҚШда ёнилғи қуйиш билан банд бўлган бўлса, компания марказий аппаратининг бошқаруви раиси операторлик вазифасини бажарди. Компания ходимларининг фикрича, бундай тадбирлар АЁҚШ ходимлари ва харидорлар тўқнаш келаётган муаммоларни ичидан кўриш, янада самарали фаолият олиб бориш учун таклифлар бериш, ютуқ ва камчиликларни холисона баҳолаш имконини беради.

## Қишлоқ сотилади

*Алп тоғларининг Италия ҳудудида жойлашган қисмидаги қишлоқлардан бири ўз аҳолиси томонидан сотувга қўйилди.*

Қишлоқ «eBay» онлайн-дўконида 245 минг еврога баҳоланган. Қишлоқ аҳолиси янги харидор қишлоқни сақлаб қолиши ва унда туризмни ривожлантириб, сайёҳлар учун қизиқарли жойга айлантиришига умид қилмоқда. Аҳолининг аксарият қисми қишлоқдан кўчиб кетгани боис, баъзи уйлар бўш қолган. Газетанинг ёзишича, ёш авлод шаҳардаги ҳаётни кўзлаб қишлоқни тарк этмоқда, шу сабаб аҳоли пунктидаги аксарият уйлар бўш қолмоқда. Ҳозирча сотувга қўйилган қишлоқда 14 та уй ва 50 та иншоот таъмирталаб аҳволда. Айтганча, қишлоқ аҳолиси янги харидорга қишлоқнинг меъморий қиёфасига зиён етказмаслик шарти билан сотиш ниятида.

## Фил озод қилинди

*Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида фил миннатдорлигини кўз ёши билан кўрсатди.*

Аникроғи, салкам эллик йил мобайнида қўпол муомалада бўлинган жонивор хайрия ташкилоти фаоллари ва ҳайвонот боғи ходимлари томонидан озод қилинди. «Ражи» лақабли филнинг исми ошкор этилмаётган эгаси, уни занжирбанд ҳолатда сақлаган. У озод қилинаётганда оёқлари жиддий лат еганди. Жонивор ҳар куни ўтган-кетганга таъзим билан салом бериб, болалар улоқтирган егуликлар ва чиқиндилар билан озиқланган. Фил ўртача 60-70 йил умр кўрса, тутқунликда 40-50 йил яшайди.

## Замон талаби

*Жанубий Кореянинг «Samsung» компанияси плазма телевизорларини ишлаб чиқаришни тўхтатганини маълум қилди.*

Бунга сабаб плазма телевизорларига бўлган талабнинг пасайиши бўлди. Компания эндиликда, асосан, LED технологияси бўйича телевизор ишлаб чиқаради. Мамлакатнинг яна бир компанияси — «LG» ҳам плазма телевизорлар ишлаб чиқаришни тўхтатмоқчи. Компаниялар бундан буён LED ва LCD экранли телевизорлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратади.

**Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

Tilsim

# НЕАНДЕРТАЛ БОЛА

## ЎҒИЛМИ ЁКИ ҚИЗ?



*Сурхон воҳаси дунё цивилизацияси бешикларидан ҳисобланади. Воҳанинг мўътадил иқлими ва қулай табиати туфайли бу ер қадимдан инсонларнинг қадрдон манзилгоҳи бўлган. Бунинг ёрқин исботи — вилоятда энг қадимги одамлар яшаганлигидан хабар берувчи тарихий ашё, маълумотлар топилган.*

Ўтган асрнинг энг шов-шувли археологик топилмаларидан бири ўттизинчи йилларда Сурхон воҳасининг Бойсун тоғида жойлашган Тешиктош ғоридан Неандертал бола скелетининг топилиши бўлган. Буни фанга археолог Николай Окладиков ва антрополог олим Михаил Герасимов киритган бўлиб, мазкур скелет 8-9 яшар ўғил болага тегишли эканлиги айтиб ўтилган эди. 1949 йилда антрополог А.Герасимов ушбу топилма бош суяги асосида Тешиктош одамининг юз тузилишини тиклаб, мазкур топилмани 8-9 ёшли ўғил болага тегишли эканлигини фан аҳлига маълум қилди. Топилма ҳозирда Санкт-Петербург шаҳридаги машҳур Эрмитаж музейида сақланиб келинмоқда. Скелет тўлиқ ҳамда яхши сақланганлиги археолог ва антрополог олимларга қулайлик туғдирди.

Фан ва техника ривожлангани сари илмий тадқиқотларда ҳам турли фаразлар кўпайди. 1973 йилда эса академик В.П.Алексеев мазкур фаразни инкор этди. У ўзининг илмий тадқиқотларига асосланиб, бу скелет 8-9 яшар ўғил болага эмас, балки 12 ёшли қиз болага тегишли эканлигини айтиб, жаҳон жамоатчилигини ўзига қаратди.

— Бу фаразни фанга киритган В.П. Алексеев ўздан кейин кўпдан-кўп саволларни қолдириб кетди. Жумладан, неандертал одамлар узоғи билан 25 йил умр кўрган бўлса, тешиктошлик 12 ёшли скелет қиз болага тегишли бўлганми ёки ўрта ёшли аёлгами? — деган савол туғилади, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Шайдуллаев. — Энг сўнгги фан янгиликларига кўра, дунё олимлари ўртасида неандертал одамлар замонавий одамларнинг аждодлари бўлмаган деган фараз пайдо бўлган. Қайси ғоянинг тўғри эканлигини ҳамда фанга оид киритилиши керак бўлган маълумотларни ҳам Тешиктош одами ҳал этишини антропологлар эътироф этишмоқда. Демак, тешиктошлик неандертал бола скелети яна олимлар столига қўтарилиши кутилмоқда. Нима бўлганда ҳам фандаги жумбоқларнинг биронтасини замонавий технологиялар жавобсиз қолдирмайди.

Кейинги вақтларда дунё аҳлининг Тешиктош ғори ва унда яшаган неандертал одамларнинг келиб чиқиши ва тарихига бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Тарихчиларимиз тили билан айтганда, инсоният цивилизациясининг ёрқин намунаси ҳисобланган Тешиктошнинг келгусида сайёҳлик марказига айланишига ишонамиз.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА, «Turkiston» мухбири**




## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув ***2014 йилнинг 10 июль*** куни «Камолот» ЁИҲ Наманган вилояти кенгаши раиси **Иброҳим Ҳожиев** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни **savol@turkiston.uz** электрон манзили ёки *(+99871) 233-79-69* телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

***Илк ўрта асрларда маълум ва машҳур бўлган Дабусия қалъаси мамлакатимизнинг қайси ҳудудида жойлашган?***

Жавобингизни **11 июль** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби:**
***Худойберган Девонов.***
*Самарқанд вилоятидан Ҳусан Тўхтаев ҳамда Тошкент шаҳридан Мунира Нурматова тўғри жавоб йўллашди.*

## YONDAFTARCHANGIZGA

Ёшликнинг қадрини бил, то кексаймасдан бурун.

**Махтумқули**

Turkiston

**МУАССИС:**
«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Шукуров Меҳриддин Эшқобилович**

**Таҳрир ҳайъати:**
Баҳодир Ғаниев, Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

**Навбатчи муҳаррир:**
Умарова Наргиза Баҳодирова

**Саҳифаловчи:**
Рўзиев Зафар Ҳусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**Таҳририят манзили:** 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
**e-mail: info@turkiston.uz**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: **«Буюк Турон» кўчаси, 41**.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-757.
Адади — 7023

**Босишга топшириш вақти — 21.00**
**Топширилди — 22.20**
**ЎзА якуни — 21.20**

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5